

## ДЕВИАНТ ХУЛҚЛИ ЎСМИРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

Бобомуродова Насиба Мингноровна  
Жарқўрғон туман 63- мактаб психологи  
[rustamkhurramov@mail.ru](mailto:rustamkhurramov@mail.ru)

**Annotation:** This article discusses what to look for when raising teens with deviant behavior. Self-awareness is important for the development of adolescents. This is because in the process of self-realization, the desire and desire to evaluate oneself, to compare oneself with other people, and the need to build oneself arose.

**Keywords:** communicative ability, communicative orientation, intellectual development, pedagogical ability.

**Аннотация:** В этой статье обсуждается, на что обращать внимание при воспитании подростков с девиантным поведением.

Самосознание важно для развития подростков. Это связано с тем, что в процессе самореализации возникло желание и желание оценивать себя, сравнивать себя с другими людьми, потребность строить себя.

**Ключевые слова:** коммуникативная способность, коммуникативная направленность, интеллектуальное развитие, педагогическая способность.

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada deviant xulqli o'smirlarni tarbiyalashda nimalarga e'tibor berishligi haqida yozilgan.

O'smir o'g'il-qizlar shaxsning kamol topishida o'z-o'zini anglash muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki o'zini anglash jarayonida o'ziga baho berish mayli va istagi o'zini boshqa shaxslar bilan taqqoslash, o'ziga bino qo'yish ehtiyoji paydo bo'ldi.

**Kalit so'zlar:** kommunilativ qobiliyat, kommunikativ yo'nalish, intellektual rivojlanish, pedagoglik qobiliyat.

Кириш. Девиант хулқ-атвор – (лот. deviatio – оғиш) жамиятда умумқабул қилинган ва шаклланган, ҳуқуқий ва ахлоқ нормалари билан тартибга солинадиган меъёрлардан оғувчи хулқ-атвор. Ушбу хулқ-атвор орқали нафақат жамиятга, бошқа шахсларга, қолаверса шахснинг ўзига ҳам зарар етади[7].

Илмий тадқиқотлар ва ҳаёт тажрибалари айрим ахлоқий тушунчаларни нотўғри тушуниб, шахснинг баъзи фазилатларини нотўғри баҳолаб, мустақилликка интиладиган, ўз иродасини намойиш қилишга ҳаракат қиладиган ўсмирлар ўзларида салбий сифатларни ўстиришга уринишини кўрсатади[8].

Ҳатто улар ўзларида шаклланган ижобий хислатларни йўқотишга ҳам ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи ва ота-оналарнинг асосий вазифаси уларнинг нотўғри қарашларига зарба бериш ва ўсмирларнинг адашишларига йўл қўймасликдир[9].

Ўсмир ўғил-қизлар шахснинг камол топишида ўз-ўзини англаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўзини англаш жараёнида ўзига баҳо бериш майли ва истаги ўзини бошқа шахслар билан таққослаш, ўзига бино қўйиш эҳтиёжи пайдо бўлди[1]. Булар эса ўсмирнинг психик дунёсига, ақлий фаолиятига, теварак-атрофга муносабатининг шаклланишига таъсир қилади.

Натижалар: Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши шахсий хулқ-атворини тушунишдан бошланиб, ахлоқий фазилатини, характерини, ақлий имконият ва қобилиятини билиш билан

яқунланади. Ўсмирда ўзини англаш ривожланиши учун синф жамоаси ва оила аъзоларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Унинг хатти-ҳаракати, ўз кучига, майлига ёшига лойиқ ижтимоий муносабатлари, муайян муҳитда ўз ўрнини топишга интилиши ўзини англашининг такомиллашувига пухта замин яратади[10].

Ўсмирларда ўзини англаш янги босқичга кўтарилгач, улар ўзига хос ахлоқий намунани танлайдилар. Ўқувчи ўзига намуна бўлган шахсининг хулқ-атвори билан ўзининг хатти-ҳаракатини солиштиради ва ўзининг ижобий ёки салбий жиҳатларини англаб етади. Натижада унда ўзини-ўзи тарбиялашга боғлиқ яна бир муҳим хислат вужудга келади[11].

Ўсмир ўзини-ўзи тарбиялашда китоб қаҳрамонларидан, кинофильм иштирокчиларидан ўрнак олиб, гоҳо уларга тақлид қилиб, бутун ирода кучи ва характер хислатларини ишга солиб, ҳар хил хусусиятларни эгаллашга интилади ва бу йўлда учрайдиган тўсиқ ҳамда қийинчиликларни енғади. Ана шу даврда оилада ота-онанинг бола характеридаги нуқсонларни тўғрилашдаги роли ниҳоятда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади[2].

Бунинг учун эса ота-оналарда педагогик-психологик маълумотлар (тушунчалар)нинг етарли даражада бўлиши талаб этилади. Маълумки, ота-оналарнинг маълумот даражаларининг турличалиги, айниқса, тарбиянинг бола ёши хусусиятларига боғлиқлиги тўғрисидаги тушунчаларга эга бўлмаган оилаларда болалар хулқидаги ўзгаришларни ижобий томонга ўзгартириш муаммосини мактаб педагогларининг ёрдами ва ҳамкорлигисиз ҳал қилиб бўлмайди[12].

Мактаб раҳбарларининг ушбу муаммо бўйича махсус педагогик тизим -ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик принцип, восита, усул ва методлар йиғиндисидан иборат бўлган дастурларида ҳар бир синф ўқувчиларининг оилалари тўғрисида тахлилий маълумотларга эга бўлишлари масалани ҳал қилишга қўйилган дастлабки қадам бўлади.

Бунинг учун аввало синфдаги болаларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари, дарслардаги, жамоат ишларига иштироқи, кўча-куйда, кўпчилик ўртасида ўзини тутиши, ўқитувчилар томонидан уйга берилган вазифаларни бажарилиш сифати ва самараси чуқур тахлил қилиниб, ҳар бир ўқувчи учун маълумотлар банки ташкил этилиши лозим[13].

Ана шундагина ҳар бир ўқувчи тарбияланаётган оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий, касбий соҳалардаги ҳолатига объектив баҳо бериш имконияти вужудга келади[14]. Ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи-назаридан бола тарбиясига муҳтож оилаларни аниқлаб олиш мумкин[3]. Бола тарбиясида ота-онанинг роли ва масъулиятини талаб қилишдан олдин муҳтож ота-оналар учун махсус тавсияларни ишлаб чиқиш, семинарлар, тренинг ҳамда консултациялар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Бу масалада синф раҳбарларининг ота-оналарга берадиган ёрдамлари доимий ва малакали бўлиши талаб этилади[15].

Хулқи оғишган (девиант) болалар билан ишлаш тажрибаси ота-оналар, педагоглар ўртасида кенг тарғиб этилиши мақсадга мувофиқдир. Тарбиявий муносабатлар жараёнида тарбиявий муҳит яратиш – шахсни шакллантирувчи табиат ҳодисаларини англаш, ижтимоий муносабатлар тизими, тафаккур ҳамда турмуш тарзи ва шахслараро муносабатларга киришиш жараёнида ҳар бир тарбияланувчи эътибордан четда қолмаслиги керак[16].

Қўйилган тарбиявий мақсаднинг мазмуни ва вазифасига кўра ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган қатъий хулқ-атвор маъёрлари, билим, эътиқод, кўникма, малака ва шахсга хос ахлоқий сифатлар ҳамда хусусиятлар ҳар бир тарбияланувчи томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш зарурий шартдир.

Тарбия жараёнида тарбиянинг мақсадидан келиб чиқиб, тарбия методларини тўғри танлаш, тарбия психологияси, яъни педагогик психологиянинг шахсни ақлий, ахлоқий ҳамда эстетик жиҳатдан таркиб

топиши ва ривожланиши қонуниятларини инобатга олиши комил инсонни тарбиялашнинг асосий мезони эканлигини унутмаслик керак[17].

Комил инсонни тарбиялаш учун эса педагогик тушқунликка йўл қўйиб бўлмайди, аксинча ўқувчиларда педагогик эҳтиёжни шакллантириш талаб

этилади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро педагогик ҳамкорлик, педагогик кадриятлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир[18]. Инсоннинг психик тараққиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга

эгадир. Лекин инсон шахсининг таркиб топиши наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятларнинг таъсирини ҳам унитмаслигимиз зарур[4].

Одамга наслий йўл билан айрим анатомик ва биологик хусусиятлари берилади. Масалан: танасининг тузилиши, сочи ва кўзларининг ранги овози, гапириш услублари, айрим ҳаракатлари туғма равишда берилиши мумкин. Маълумки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ бўлган сифатлари наслий йўл билан берилмайди, деб изоҳланади[19].

Лекин шуни ҳеч қачон эсан чикармаслик керакки, реал ҳаётда кўпинча инсоннинг характер хусусиятидаги салбий оғишлар унинг наслий таркиби билан боғлиқ эканлигига амин бўламиз. Шу ўринда шахс фаолиятига таъсир қилувчи омилларга эътиборни қаратамиз. Уларни учга ажратсак бўлади: биринчиси, ирсий биологик омиллар бўлиб, унга туғма хусусиятлар, туғма нуқсонлар, орттирилган нуқсонлар киради; иккинчиси, психологик омиллар бўлиб, уларга болаларнинг фикрлаш тарзи, эмоционал таъсирланиш даражаси, иродаси, темпераменти, характери, қобилияти киради; учинчиси, ижтимоий омиллар бўлиб, уларга жамият тузилмаси, ижтимоий институтлар, ижтимоий меъёрлар, турмуш тарзи киради[20].

Боланинг шахс сифатида шаклланиши унинг юқорида таъкидланган барча омилларга боғлиқ экан[21]. Демак, болалар хулқ-атворининг салбий томонга оғишида ҳам бевосита ўзига хос юқоридаги учта омилнинг ўрни бор. Боланинг хулқ-атвори кўпинча ўз олдига қўйган мақсадлари,

қизиқишлари, идеаллари ва эътиқодлари мажмуида яққол намоён бўлади[5].

Хулоса: Хулқ-атвордаги ўзгаришлар бевосита ёш кризис даврларининг кечиши билан боғлиқ юз бериши табиийдир. Боладаги салбий иллатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

-биринчи ўринда, ҳар бир ёш даврни ўзига хос психологик ривожланиш даражаларини аниқлаб олиш лозим[6];

-иккинчи ўринда, болани тарбиясидаги содир бўлаётган салбий ўзгаришларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш керак;

-учинчи ўринда, тарбияси оғир болаларнинг психологик ривожланишини меъёрлаштиришга йўналтирилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш лозимдир.

#### АДАБИЕТЛАР:

1. Khamzaevna, F. M., & Joylovovich, Y. F. (2019). EXPERIENCE OF TURKESTAN PEOPLES ON IRRIGATION STRUCTURES IN THE INTERPRETATION OF THE RUSSIAN EAST ORGANIZERS. Ўтмишга назар журнали, 26(2).
2. Nodira Xasanova ibragimovna. (2022). Scientific research conducted in the Surxon Valley from 1917 to 1941 and their importance. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 6, 241–244.
3. Rakhimov, B. S., & Yormatov, F. J. (2019). TOPONOMICAL ANALYSIS OF KHATAK AND DANPARAKENT VILLAGES. Ўтмишга назар журнали, 19(2).
4. Salomova, G. A., & Khurramov, R. S. (2021). ABBREVIATION IN ENGLISH, UZBEK, RUSSIAN LANGUAGES DIFFERENT STRUCTURAL TYPES. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(12), 646-654.
5. Sayfiddinovich, R. K. (2022). THE IMPORTANCE OF USING ETHNOPEDAGOGY IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS. ТАЪЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 2(4), 92-97.
6. Абдумуратова, С. (2018). ВЛИЯНИЕ НА СОВРЕМЕННОЕ ВОСПИТАНИЕ АЛИЩЕРА НАВОЙИ. Гуманитарный трактат, (25), 96-98.



7. Абдумуратова, С.С. (2022). ЭТНОКУЛЬТУРНЫЕ И СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ. Академические исследования в области педагогических наук, 3 (1), 745-747.
8. Ёрматов, Ф. (2021). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ ВА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (2016-2021 ЙИЛЛАР). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 4(11).
9. Ёрматов, Ф. Ж. (2010). Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида) (Doctoral dissertation, Автореф. дис.... т. ф. н. Тошкент, Мирзо Улуғбек Номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 2010, 30 б).
10. Ёрматов, Ф. Ж. (2019). МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (25).
11. Саломова, Г. А., & Хуррамов, Р. С. (2021). Структура, Семантика И Информационный Потенциал Аббревиатур. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журналы, 1(6), 179-186.
12. Файзуллаева, М. Х., & Ёрматов, Ф. Ж. (2019). ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ИРРИГАЦИЯ ИНШООТЛАРИ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ РОССИЯ ШАРҚШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (26).
13. Ярмагов, Ф. Д. (2020). Позитивные изменения в системе социальной защиты населения Узбекистана (1991-2019 гг., на примере южных регионов). Бюллетень науки и практики, 6(8).
14. Yusupovich, K. S. (2020). The Emergence Of Religious Views Is Exemplified By The Southern Regions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(10), 143-145.
15. Kushokov, S. Y. (2021). THE ROLE OF ZOROASTRIANISM IN THE ANCIENT STATE OF BACTRIA. World Bulletin of Social Sciences, 4(11), 69-72.
16. Yusupovich, K. S. (2021). Қадимий Дафн Маросимларидаги Анъана Жараёнлари Ўзбекистон Жануби Мисолида. Барқарорлик ва Етакчи Тадқиқотлар онлайн илмий журналы, 1(6), 72-77.
17. Yusupovich, K. S. (2021). Қадимий Дафн Маросимларидаги Анъана Жараёнлари Ўзбекистон Жануби Мисолида. Барқарорлик ва Етакчи Тадқиқотлар онлайн илмий журналы, 1(6), 72-77.
18. Safarali Yusupovich Kushokov, & Sardor Ahmedov. (2021). THE STRUCTURE OF TURKISH TRIBES IN CENTRAL ASIA AND ITS HISTORICAL IMPORTANCE. European Scholar Journal, 2(10), 25-27.
19. Сафарали, К. Ю. (2020). ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 3(4).
20. Кушоков, С. (2021). Сополли ва Жарқўтон маданиятида дафн маросимлари. Общество и инновации, 5(11/S), 150-154. Kushokov, S. Y., & Ahmedov, S. (2021). THE STRUCTURE OF TURKISH TRIBES IN CENTRAL ASIA AND ITS HISTORICAL IMPORTANCE. European Scholar Journal, 2 (10), 25-27. Of Two Languages, Settlement And Livestock Tribes. The American Journal of Interdisciplinary.
21. Сафарали, К. Ю., & Хуррамов, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЛАЙЗИЯ ҲАМДА ИНДОНЕЗИЯ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИГИ. БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 176-186.